

1626/4323 - عن أبي موسى رضي الله عنه قال: لَمَّا فَرَغَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ حُجَّةِنِ

بَعَثَ أَبَا عَامِرٍ عَلَى جَيْشٍ إِلَى أَوْطَاسِ، فَلَقِيَ دُرِيدَ بْنَ الصِّمَّةَ، فُقْتَلَ دُرِيدٌ وَهَزَّ اللَّهُ أَصْحَابَهُ، قَالَ أَبُو مُوسَى: وَبَعْنَانِي مَعَ أَبِي عَامِرٍ، قَرِيمِي أَبُو عَامِرٍ فِي كُبَيْتِهِ، رَمَاهُ جُشَمِيٌّ بِسَهْمٍ فَأَتَبَيَّهُ فِي كُبَيْتِهِ، فَأَتَتْهِيَّثُ إِلَيْهِ فَقُلْتُ: يَا عَمِّ مَنْ رَمَاكَ؟ فَأَشَارَ إِلَى أَبِي مُوسَى، فَقَالَ: ذَاكَ قَاتِلِيُّ الَّذِي رَمَانِي، فَقَصَدْتُ لَهُ قَلَاحَفَتُهُ، قَلَمَّا رَأَيْتُهُ وَلَّيْ، فَأَتَبَعْتُهُ وَجَعَلْتُ أَفُولُ لَهُ: أَلَا تَسْتَحِي، أَلَا تَبْتَهُ، فَكَفَّ، فَأَخْتَلَفَنَا ضَرْبَتِينِ بِالسَّيْفِ فَقَتَلْتُهُ، ثُمَّ قُلْتُ لِأَبِي عَامِرٍ: قَتَلَ اللَّهُ صَاحِبَكَ، قَالَ: فَإِنْعَنْ هَذَا السَّهْمَ، فَنَزَعْتُهُ فَنَزَّا مِنْهُ الْمَاءُ، قَالَ: يَا ابْنَ أَخِي، أَفْرِئِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ السَّلَامَ، وَقُلْنَ لَهُ: اسْتَغْفِرْ لِي. وَاسْتَحْلَفَنِي أَبُو عَامِرٍ عَلَى النَّاسِ، فَمَكَثَ يَسِيرًا ثُمَّ مَاتَ، فَرَجَعْتُ فَدَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَيْتِهِ عَلَى سَرِيرٍ مُرْمَلٍ وَعَلَيْهِ فَرَاشٌ، قَدْ أَثْرَ رِمَالُ السَّرِيرِ بِظَهْرِهِ وَجَنْبِيهِ، فَأَخْبَرْتُهُ بِخَبْرِنَا وَحَبَرَ أَبِي عَامِرٍ، وَقَالَ: قُلْ لَهُ: اسْتَغْفِرْ لِي، فَدَعَا بِمَاءٍ فَتَوَضَّأَ، ثُمَّ رَفَعَ يَدَيْهِ فَقَالَ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِعَبْدِي أَبِي عَامِرٍ. وَرَأَيْتُ بِيَاضِ إِبْطَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَوْقَ كَثِيرٍ مِنْ حَلْقِكَ مِنَ النَّاسِ. فَقُلْتُ: وَلِي فَاسْتَغْفِرْ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَيْسٍ ذَبَّبَهُ، وَأَدْخِلْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مُدْخَلًا كَرِيمًا.

1626.4323. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайн ғазотидан фориғ бўлгач, Абу Омирни қўшинга бош қилиб Автосга жўнатдилар. У Дурайд ибн Симма билан тўқнашди. (Дурайд) ўлдирилди, шерикларини эса Аллоҳ мағлуб этди. У зот мени ҳам Абу Омир билан бирга жўнатган эдилар. Абу Омир тиззасидан ўқ еди. Унга бир жушамий ўқ отиб, санчиб қўйган эди. Мен унинг олдига бориб, «Эй амаки, сизга ким ўқ отди?» дедим. У: «Менга ўқ отган қотилим ана шу» деб, уни кўрсатди. Мен у томон қасд қилиб, унга етиб олдим. У мени кўриб, орқасига қочди. Унинг кетидан тушиб, «Уялмайсанми? Жойингда турмайсанми?» дея кетдим. Шунда у тўхтади. Биз

баравар қилич урдик, мен уни ўлдирдим. Кейин мен Абу Омирга: «Аллоҳ рақибингни ўлдирди», дедим. У: «Мана бу ўқни суғургин», деди. Мен уни суғурган эдим, ўрнидан сув оқди. У: «Эй жиян, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтгин ва у зотга айтгин, мен учун мағфират сўрасинлар», деди. Кейин Абу Омир ўзининг ўрнига мени одамларга бошлиқ қилди. Озгина турди-ю, сўнг ўлди. Қайтиб келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига кирдим. У зот тўшама солинган тўқима сўрида эканлар. У зотнинг орқалари ва ёнбошларига тўқиманинг изи тушиб қолган эди. Мен у зотга бизнинг ва Абу Омирнинг хабарини бериб, унинг «У зотга айтгин, мен учун мағфират сўрасинлар», деганини айтдим. У зот сув опкелтирдилар. Кейин таҳорат қилдилар, сўнг икки қўлларини кўтариб: «Аллоҳим, Абу Омир Убайдни мағфират қил!» дедилар. Мен у зотнинг қўлтиқларининг оқини кўрдим. Кейин яна: «Аллоҳим, Қиёмат куни уни кўпчилик махлуқотларингдан устун қилгин!» дедилар. «Мен учун ҳам мағфират сўранг», дедим. У зот: «Аллоҳим, Абдуллоҳ ибн Қайснинг ҳам гуноҳини мағфират қилгин ва уни Қиёмат куни шарафли бир манзилга киритгин», дедилар».

Абу Бурда айтади: «Икки(дуо)нинг бири Абу Омир учун, иккинчisi Абу Мусо учун бўлди».

Манба: hadis.islom.uz

